

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил “13” майдаги
3-2024 - сон қарорига
илова

“МАҚУЛЛАНГАН”

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” апрелдаги
5/24 - сон йиғилиш баёнига
илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик
жамиятининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган**

РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

- I. Кириш**
- II. Компания фаолияти**
 - 2.1 Тарих*
 - 2.2 Миссия*
 - 2.3 Мақсад*
 - 2.4 Устувор йўналишлар*
- III. Макроиқтисодиёт ва ички таҳлил**
 - 3.1 Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосий йўналишлари*
 - 3.2 Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари*
 - 3.3 Тақдим этилган моливий ёрдамлар (2018-2023 йиллар)*
 - 3.4 Тажриба*
 - 3.5 SWOT – таҳлил*
- IV. Бизнес модел (ривожланишнинг асосий йўналишлари)**
 - 4.1 Кафиллик моливий ёрдами*
 - 4.2 Хизматлар ипотекаси*
 - 4.3 Ресурс тақдим этиш*
 - 4.4 Устав капиталига улуш киритиш*
 - 4.5 Компенсация*
- V. Стратегик устувор мақсадлар**
- VI. Моливий кўрсаткичлар ва назорат индикаторлари**
 - 6.1 2024-2026 йилларда тақдим этиладиган ёрдамлар*
 - 6.2 Молия кўрсаткичлар*

I. КИРИШ



*Тадбиркорлик ривожини янада юксак
босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир!¹*

Ўзбекистон Республикаси молия бозорида ресурсларнинг юқори фоиз ставкалари сақланиб қолаётган шароитда ҳамда глобал иқтисодий ноаниқликлар оқибатида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришнинг янгича ва муқобил инструментларини яратишга, молия бозорида ривожланишнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ (кейинги ўринларда – Компания)нинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, Халқаро молия институтларининг ҳисоботлари, кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан хорижий давлатлар тажрибалари, шунингдек, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг миллий прогнозлари ўрганилди.

Стратегия ўз таркибига келгусида Компания томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги жиҳатлар, айтиқса ёрдамлар самарадорлигини ошириш, натижадорликни таъминлаш, яшил лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, фаолият очиқлигини таъминлаш каби масалалар киритилган.

Стратегик мақсадларга эришиш Компаниянинг тижорат ташкилоти сифатида барқарор ривожланиш даражасини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини янада ошириш, таваккалчиликларни қабул қилиш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Мазкур Стратегия компаниянинг реал истиқболлари ва салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, стратегик корпоратив мақсадларга эришишга йўналтирилган барча ҳаракаларни мувофиқлаштирган ҳолда, 2024-2026 йилларга мўлжалланган ва аниқ қўйилган корпоратив вазифаларни ўз ичига олган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йилдаги тадбиркорлар билан бўлган очик мулоқоти нуткидан

II. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИ


2.1 Тарих

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги «**Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» ПФ-193-сон Фармонида асосан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигида «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил қилинди.

Компаниянинг устав фонди **300 млрд сўм**га етказиш белгиланган.

Устав фондидаги давлат улуши 100% бўлиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Компаниянинг ягона акциядори ҳисобланади.

Компаниянинг ривожлантириш тарихи қуйидаги расмда келтирилди.



1-расм. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тарихи

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йилда тадбиркорлар ва бизнес вакиллари билан ўтказилган очиқ мулоқотида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш ва янги механизмлар асосида иш бошлаши ҳамда «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамиятини ташкил этиш юзасидан вазифалар берилган.

Ушбу вазифаларни бажарилиши бўйича амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-292-сон қарорида белгиланди.

Бунда, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ҳалқаро стандартларга мослаштириш борасида Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки томонидан берилган тавсиялар инобатга олинди.

Жаҳон банкининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кредитларнинг жаҳон кафолатлаш принципларига мувофиқлигини баҳолаш ишлари қуйидаги йўналишларда амалга оширилган:

Меёрий-ҳуқуқий базанинг етарлилиги;

Корпоратив бошқарув ва риск (таваккалчилик)ни бошқариш амалиёти;

Амалиёт структураси;

Лойиҳаларни баҳолаш ва мониторинг қилиш.

Бугунги кунда, Компаниянинг бошқарув органи ҳисобланган 7 нафар аъзодан иборат Кузатув кенгаши мавжуд.


Т/р	Кенгаш аъзосининг ФИШ	Кенгашдаги ўрни
А	1	2
1.	Қўчқоров Жамшид Анварович	Кенгаш раиси
2.	Хайдаров Абдулазиз Абдулаҳадович	Кенгаш аъзоси
3.	Убайдуллаев Мирзохид Муродилович	Кенгаш аъзоси
4.	Ўроқов Жамшед Ражабович	Кенгаш аъзоси
5.	Трофимова Екатерина Владимировна	Кенгаш мустақил аъзоси
6.	Маноҳари Гунавардҳена	Кенгаш мустақил аъзоси
7.	Султонов Тўлқин Толибович	Кенгаш мустақил аъзоси

1-жадвал. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши таркиби

Компаниянинг ижроия органи Компания ишларини ташкил этади.

Компаниянинг ижроия органи, Компаниянинг директори ҳисобланади.

Компаниянинг ягона акциядорининг қарори билан Компаниянинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган. Тасдиқланган тузилмага кўра штатлар сони 106 нафарни ташкил этади.



2-расм. «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик таркибий тузилмаси

Марказий банкка ўз ваколатлари доирасида Компания фаолиятини назорат қилади ва тартибга солади.

2.2. Миссия

Компания миссияси — Компаниянинг ўтган даврдаги энг илғор тажрибаларини сақлаган ҳолда, тадбиркорларга кўрсатиладиган хизматларини сифат жиҳатдан мутлоқ янги поғонага чиқариш, замонавий ва юқори технологик хизматларни кўрсатиш борасида республикадаги етакчи ўрнини сақлаб қолиш, тадбиркорлар билан ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошкораликка асосланган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаган ҳолда уларга кенг турдаги хизматларини кўрсатиш орқали мижозлар ва Компания манфаатларининг уйғунлашувига эришиш.

Компания молиявий ёрдам кўрсатишда барқарорликни таъминлаш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

биринчидан, замонавий халқаро стандартларни тадбиқ этиш йўли билан Компания корпоратив бошқарувини такомиллаштиради;

иккинчидан, иқтисодий сиёсатни либераллаштириш шароитларида соҳанинг барқарор ривожланиши, Компания рентабеллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлайди;

учинчидан, Компаниянинг фаолиятининг барча йўналишларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш даражасини оширади;

тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида корпоратив бошқарувнинг илғор воситаларини амалиётга тадбиқ этади;

бешинчидан, илғор, инновацион ва илмий-педагогик технологиялар асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўли билан соҳанинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлайди;

олтинчидан, ички бозорни самарали ишлаши учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали молия тизими ва бошқарувини такомиллаштиради;

еттинчидан, узоқ муддатли, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун Компания жозибадорлигини ошириш.

Компания узоқ муддатли истиқболда молия бозоридаги улушини оширишни, хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилашни мақсад қилиб, бу мақсадга эришишда асосий стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаб олган.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бир қаторда маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш ва электрон тижоратни ривожлантириш ушбу стратегиянинг устувор вазифаларидан биридир. Компаниянинг уч йиллик режасида хорижий кредит линияларини жалб этган ҳолда молиявий ёрдамларни кўламини кенгайтириш ва тадбиркорларга хизматлар кўрсатиш орқали бозордаги улушини ошириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сон қарорига асосан Компания кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг устувор равишда хизмат кўрсатиш, «яшил» ва энергия самарадор лойиҳалари бўйича ёрдамларни тақдим этишни кенгайтириб боради.

Компания ўз олдига қулай шартларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг асосий институти бўлиш вазифасини белгиланган.

2.3. Мақсад

Компаниянинг асосий мақсади Республика бўйича ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича бизнес лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

2.4. Устувор йўналишлар

Компаниянинг устувор йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни комплекс қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ёрдам инструментларини жорий этиш, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

2) маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш.

3) кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

4) кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этиш.

5) ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турларидан келиб чиқиб уларнинг лойиҳаларига молиявий кўмаклашиш.

6) хизматлар кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштириш соҳасида «яшил» ва энергия тежовчи технологиялар ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишни кенг қўллаб-қувватлаш.

7) халқаро ва маҳаллий экспертлар билан бирга иқлим ўзгаришини олдини олиш юзасидан ишларни жадаллаштириш.

8) жойларда аёллар, ёшлар ва олис ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда эътибор қаратиш.

III. МАҚРОИҚТИСОДИЁТ ВА ИЧКИ ТАҲЛИЛ ҲАМДА ПРОГНОЗЛАР

3.1. Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг асосий йўналишлари

Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 1,07 квадриллион сўмни ташкил қилган.


Иқтисодий ўсиш 2022 йил даражасига нисбатан 6 фоизга етган. Ўртача доллар курси бўйича (11 741 сўм) ўтган йили номинал ЯИМ 90,8 миллиард долларни ташкил этган, бу 2022 йилга нисбатан 10,4 миллиард долларга кўпайган.

Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 28,98 миллион сўмни (2 468 долларга яқин) ташкил этган. Бу кўрсаткич 4,07 миллион сўмга ёки 16,3 фоизга (9,4 фоизга ёки 213 долларга) ошган.

Саноат соҳасида ўсиш 6 фоиз — 655,8 триллион сўмни ташкил этган. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқариш саноатининг улуши 84,4 фоизни, тоғ-кон саноати ва карьерларни қазиб олишнинг улуши 8,4 фоизни, электр таъминоти, газ, буғ ва ҳавони тозалаш 6,7 фоизни, сув таъминоти, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоқларида 0,5 фоизни ташкил этган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ҳажми 4,1 фоизга ошиб, 426,3 триллион сўмни ташкил этган. Фермер хўжаликлари тоифалари бўйича таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 63,1 фоизи деҳқон ва ёрдамчи хўжаликлар, 29,8 фоизи шахсий фермер хўжаликлари, 7,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳиссасига тўғри келган.

Қурилиш соҳаси 6,4 фоизга (149,86 триллион сўмгача), хизматлар соҳаси 6,8 фоизга (470,3 триллион сўмга) ўсган.



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ўзгариши (млрд сўм)²

Мазкур диаграмма орқали кўриш мумкинки Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ўсиш тенденциясига эга.

Ушбу ЯИМ ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши юқори.

Жорий йилда ва 2025–2026 йилларда эса мос равишда 5,8, 6,2 ва 6,4 фоиз бўлиши, ўсиш суръатлари саноатда 6 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида

² Манба: www.stat.uz

6,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4 фоиз бўлиши прогноз қилинган. Бу кўрсаткичларга «ҳар бир соҳада бошланган таркибий ислоҳотларни сифатли давом эттириш» орқали эришилиши кутилмоқда.

Инфляция 2024 йилда 8–10 фоиз, 2025 йилда 7,5–8,5 фоиз, 2026 йилда 5,7 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Т/р	Кўрсаткичлар	2024 йил	Мақсадли	
		учун	мўлжаллар	
		прогноз	2025 йил	2026 йил
A	1	2	3	4
1.	Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	1 301 759	1 540 547	1 725 969
2.	Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	5,6 — 5,8	6,2	6,4
3.	Истеъмол нархлари индекси, ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан, фоизда	8 — 10	7,5 — 8,5	5 — 7
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,0	7,6	7,5
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	4,0	4,1	4,1
6.	Хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръати, фоизда	6,1	6,4	6,7

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози (млрд сўм)³

3.2. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни фаол ривожлантириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан мақсадли ва изчил сиёсатни амалга ошириш республика иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Компания кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш соҳасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларида ишларни давом эттиради.

Иқтисодий ўсишнинг асоси узоқ муддатли маҳсулдорликни ошириш, инновацион ривожланиш, ишлаб чиқариш ва экспортни диверсификация қилиш, шунингдек ташқи ва ички ресурсларни жалб қилиш ва улардан фаол фойдаланиш орқали мамлакат бизнес тармоқларини ривожлантириш ҳисобланади.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-886-сонли Қонуни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга асосан тадбиркорлик субъектлари тоифалари белгиланди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари*	Ўрта тадбиркорлик субъектлари	Йирик тадбиркорлик субъектлари
• яқка тартибдаги тадбиркорлар • микрофирмалар • кичик корхоналар	• жами даромади календарь йил давомида 10 млрд сўмдан 100 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари	• жами даромади календарь йил давомида 100 млрд сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари

3-расм. Тадбиркорлик субъектларининг тоифалари

***микрофирмалар** — таъсисчилари жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари шунингдек, **кичик корхоналар** — жами даромади календарь йил давомида 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган ҳамда таъсисчилари юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Барча туман ва шаҳарлар 5 та тоифага ажратилади. Уларда солиқ, субсидия, кредит фоизлари учун компенсация ва кафиллик бериш, инфратузилмага улаш бўйича алоҳида тартиблар белгиланади.

Бизнес муҳит яхшилангани натижасида тушумлари 1 млн доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 млндан 10 млн долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони изчил кўпайган.


Худудлар номи	2021	2022	2023	Ўзгариши	
				2022 йилнинг 2021 йилга нисбати	2023 йилнинг 2022 йилга нисбати
Жами	475 197	528 929	592 371	111%	112%
Тошкент шаҳри	95 951	105 603	117 812	110,1%	111,6%
Тошкент вилояти	46 173	50 296	55 472	108,9%	110,3%
Самарқанд вилояти	38 946	46 667	54 163	119,8%	116,1%
Фарғона вилояти	42 241	46 622	52 746	110,4%	113,1%
Андижон вилояти	36 726	40 474	44 658	110,2%	110,3%
Қашқадарё вилояти	30 180	36 168	41 612	119,8%	115,1%
Наманган вилояти	30 882	33 422	36 914	108,2%	110,4%
Бухоро вилояти	28 233	31 160	33 686	110,4%	108,1%
Сурхондарё вилояти	25 367	28 291	31 427	111,5%	111,1%
Хоразм вилояти	21 979	25 160	28 904	114,5%	114,9%

Қорақалпоғистон Республикаси	21 968	23 721	26 692	108,0%	112,5%
Жиззах вилояти	20 993	22 714	25 847	108,2%	113,8%
Навоий вилояти	20 133	22 711	25 179	112,8%	110,9%
Сирдарё вилояти	15 425	15 920	17 259	103,2%	108,4%

3-жадвал. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони⁴

Ўтган йил якунига кўра тадбиркорлик субъектлари сони Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида қолган ҳудудлардан кўп.

- Тошкент шаҳри
- Тошкент вилояти
- Самарқанд вилояти
- Фарғона вилояти
- Андижон вилояти
- Қашқадарё вилояти
- Наманган вилояти
- Бухоро вилояти
- Сурхондарё вилояти
- Хоразм вилояти
- Қорақалпоғистон Республикаси
- Жиззах вилояти
- Навоий вилояти
- Сирдарё вилояти




Тошкент, шаҳри ҳамда Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида тадбиркорлик субъектларининг кўплиги инфратузилма қолган ҳудудларга нисбатан ривожланганлиги билан баҳолаш мумкин.

2-диаграмма. Тадбиркорлик субъектлари ўлуши⁵

Ушбу диаграмма орқали кўриш мумкинки, янги тадбиркорлик субъектларининг очилиши аҳоли бандлигини ошишига (бошқа секторларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда) туртки бермоқда.

Ўтган йилда кичик тадбиркорлик субъектларида 74,1 фоиз бандлик таъминланган.



3-диаграмма. Тадбиркорлик субъектлари ўлуши⁶

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва яхлит экотизим яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-306-сон

⁴ Манба: www.stat.uz

⁵ Манба: www.stat.uz

⁶ Манба: www.stat.uz

қарори, 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-193-сон Фармони, 2023 йил 11 ноябрдаги “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу меёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар билан аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилиш бўйича республика ва маҳаллий комиссиялари ташкил этилди.

Компания фаолиятининг асосий мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича аниқ чора-тадбирлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-39-сон қарори қабул қилинди.

Рейтинг доирасида тадбиркорлик субъектлари қуйидаги тоифаларга ажратилади:

«ААА», «АА» ва «А» тоифалар — юқори барқарорлик рейтинги;

«ВВВ», «ВВ» ва «В» тоифалар — ўрта барқарорлик рейтинги;

«ССС», «СС» ва «С» тоифалар — қониқарли барқарорлик рейтинги;

«D» тоифа — қуйи барқарорлик рейтинги.

Тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференцияларни уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда, жорий этиш тартибини белгилаш жорий этилади.

3.3. Тақдим этилган моливий ёрдамлар (2018-2023 йиллар)

Компания Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (Жамғарма)нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Жамғармадан 2018-2023 йилларда жами 46,9 минг та лойиҳага ажратилган 16,9 трлн сўмлик молиявий ёрдам (10,3 трлн сўмлик кафиллик, 6,6 трлн сўмлик компенсация) кўрсатилди.

Ёрдамлар натижасида 376,5 минг янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Тадбиркорларнинг 33 369 та лойиҳасига 3,1 трлн сўмлик компенсация тўловлари амалга оширилди.

Худудлар номи	тадбир-кор	сони лойиҳа	иш ўрни	суммаси ёрд ам	кредит	ёрд ам улуши	кредит и
1	2	3	4	5	6	7	8
ЖАМИ:	12 914	13 461	145 895	10 307,0	26 404,8	100%	39%
Хоразм вилояти	1 118	1 179	12 945	1 315,3	3 220	13%	41%
Тошкент вилояти	862	898	10 016	992,3	2 647	10%	37%

Тошкент шаҳар	671	705	8 263	917,5	2 463	9%	37%
Бухоро вилояти	983	1 032	9 398	855,2	2 555	8%	33%
Андижон вилояти	1 139	1 179	22 479	833,1	1 947	8%	43%
Сурхондарё вилояти	985	1 017	11 451	708,9	1 863	7%	38%
Фарғона вилояти	1 266	1 319	14 417	725,0	2 103	7%	34%
Самарқанд вилояти	890	931	8 122	576,2	1 413	6%	41%
Жиззах вилояти	783	818	7 793	633,5	1 636	6%	39%
Қашқадарё вилояти	1 411	1 460	9 281	594,1	1 513	6%	39%
Наманган вилояти	945	970	10 199	556,3	1 269	5%	44%
Қорақалпоғистон Республикаси	662	705	6 719	610,2	1 400	6%	44%
Сирдарё вилояти	693	717	9 027	557,1	1 300	5%	43%
Навоий вилояти	506	531	5 785	432,3	1 077	4%	40%

4-жадвал. 2018-2023 йилларда тақдим этилган кафиллик ёрдами (млрд сўм)⁷

Кафиллик ёрдамини тақдим этиш натижасида:

тадбиркорларнинг 39,1 трлн сўмдан ортиқ кредити гаров таъминоти яшиланди шундан 26,4 трлн сўм кредитлари учун ёрдам берилди;

тадбиркорларнинг 13 мингдан ортиқ лойиҳалари қўллаб-қувватланди;
қарийб 146 мингга яқин янги иш ўринлари яратилишига замин яратилади;
лойиҳаларнинг ишга тушиши ҳисобига ишлаб чиқариш қуввати 12 фоизга ошиши кўзда тутилди;

яшил иқтисодиёт лойиҳалари бўйича 5,2 фоиз ёрдамлар берилди.

тадбиркор аёл ва ёшларнинг лойиҳаларига 19,7 фоиз ёрдам йўналтирилди.

Худудлар номи	тадбир- кор	сони лойиҳа	иш ўрни	суммаси ёрдам	кредит	ёрдам улуши
1	2	3	4	5	6	7
ЖАМИ:	30 446	33 507	232 110	6 654,9	49 389,9	100%
Хоразм вилояти	3 146	3 534	19 457	764	4 862	11%
Тошкент вилояти	2 069	2 238	15 352	656	4 792	10%
Тошкент шаҳар	1 832	2 005	18 487	603	6 389	9%
Бухоро вилояти	2 598	2 889	16 815	696	5 142	10%
Андижон вилояти	2 319	2 515	34 246	530	3 798	8%
Сурхондарё вилояти	1 371	1 471	13 234	469	2 761	7%
Фарғона вилояти	3 123	3 640	20 454	433	3 319	7%
Самарқанд вилояти	3 630	3 889	21 020	506	4 443	8%
Жиззах вилояти	1 957	2 174	15 023	387	2 796	6%
Қашқадарё вилояти	2 775	3 009	12 604	379	2 491	6%

⁷ Манба: Компания маълумотлари

Наманган вилояти	2 316	2 482	16 799	382	2 565	6%
Қорақалпоғистон Республикаси	1 140	1 271	9 275	309	2 090	5%
Сирдарё вилояти	787	820	10 418	243	1 778	4%
Навоий вилояти	1 383	1 570	8 926	299	2 164	4%

5-жадвал. 2018-2023 йилларда тақдим этилган компенсация ёрдами (млрд сўм)⁸

Компенсация ёрдамини тақдим этилиши натижасида:
тадбиркорларнинг 33 мингдан ортиқ лойиҳалар қўллаб-қувватланди;
қарийб 50 трлн сўм кредитлар учун ёрдам кўрсатилди;
тадбиркорлар ихтиёрида 6,6 трлн сўм қолдирилди;
лойиҳалар бўйича 232 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига
замин яратилади;
тадбиркор аёл ва ёшларнинг лойиҳаларига камида 30,3 фоиз ёрдам
йўналтирилди;
яшил иқтисодиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга устуворлик берилди.

3.4. Тажриба

Компания ривожланиши, шунингдек кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда маҳаллий бозорнинг ўзига хос хусусиятларини ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий тажрибадан фойдаланади.

Компания ўз салоҳиятини оширишда Жанубий Кореядаги Корея кредитларни кафолатлаш жамғармаси (КОДИТ) ва Кореянинг кўк ва Стартаплар агентлиги (КОСМЕ), Япониянинг молия корпорацияси, Қозоғистондаги Даму жамғармаси, Туркиянинг КОСГЕБ ташкилоти ва Кредит кафолат жамғармаси, Венгриянинг Гарантика жамғармаси, АҚШ кичик бизнес маъмурияти (СБА) ва бир қатор давлатларнинг ўхшаш ташкилотлар билан стратегик йўналишлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш инструментларининг қўлланилиш фаолиятлари ўрганади.

Кейинги йилларда кузатувлар ва турли статистик маълумотлар ушбу давлатлар ЯИМда кичик ва ўрта бизнес юқори улушга эга ва уларда тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётида муҳим рол ўйнайди.

АҚШдаги кичик бизнес маъмурияти (СБА) эркин рақобатбардош тадбиркорликни сақлаб қолиш, шунингдек, мамлакатнинг умумий иқтисодиётини ўстириш ва мустаҳкамлаш мақсадида кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилиш, маслаҳат бериш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилувчи давлат ташкилоти ҳисобланади.

⁸ Манба: Компания маълумотлари

КОДИТ–1976 йилда Корея кредитларни кафолатлаш жамғармаси тўғрисидаги қонун қоидаларига мувофиқ ташкил етилган давлат молия институти ҳисобланади.

КОДИТнинг мақсади моддий таъминотга ега бўлмаган истиқболли тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари учун кредит кафолатларини тақдим етиш орқали миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлашдир.

Япония молия корпорацияси ташқи савдо ва саноат вазирлиги ҳузурида ташкил этилган бўлиб, мақсади кичик бизнес субъектларига кичик миқдорда, узоқ муддатга ва гаровсиз микрокредитлар бериш амалиётини бажаради.

Даму тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси акциядорлик жамияти 1997 йилда ташкил этилган. Дамунинг ягона акциядори Баитерек Миллий бошқарувчи холдинги ОАЖ ҳисобланади.

Кўрсаткичлар	Корея ⁹	АҚШ ¹⁰	Япония ¹¹	Туркия ¹²	Ўзбекистон ¹³
1	2	3	4	5	6
Тадбиркорлар сони	3 млн	33 млн	7.3 млн	3.8 млн	1.9 млн (ўзини банд қилганлар билан)
Тадбиркор аёрлар улуши	17 фоиз	42 фоиз	21 фоиз	35 фоиз	27,9 фоиз
Банд аҳоли улуши	80 фоиз	79,2 фоиз	51,7 фоиз	78,3 фоиз	74 фоиз
ЯИМдаги улуши	51 фоиз	44 фоиз	53 фоиз	68 фоиз	53 фоиз
Давлат ташкилоти	Ха	Ха	Ха	Ха	Ха

6-жадвал. Хорижий давлатларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлиги¹⁴

3.5. SWOT – таҳлил

Ташқи ва ички муҳит таҳлили Компаниянинг кучли ва заиф томонларини, шунингдек, қуйида келтирилган мавжуд имкониятлар ва таҳдидларни аниқлади.

⁹ Манба: www.kodit.co.kr

¹⁰ Манба: www.sba.gov

¹¹ Манба: www.jfc.go.jp

¹² Манба: www.kosgeb.gov.tr

¹³ Манба: www.stat.uz

¹⁴ Манба: Компания маълумотлари

S	Кучли томони	W	Камчиликлар
	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ягона акциядорлиги		Узоқ муддатли ресурсларнинг камлиги
	Молиявий операцияларни амалга ошириш борасида 6 йиллик тажрибага эга эканлиги		Компания янги ташкил этилганлиги сабабли тўғридан-тўғри хорижий молиялаштириш манбаларидан фойдаланишнинг имкони камлиги
	Молия институтларида ишлаган малакали ходимларнинг мавжудлиги		Фаолиятнинг рентабеллигини таъминлаш вазифаларини ижтимоий йўналтирилган нотижорат дастурларни амалга ошириш
	Дастурий таъминот тизими мавжудлиги		Мамлакат молия тизимида унча катта бўлмаган портфелга эгалиги
	Даромад олиш юқорилиги, активлар ва фоиз даромадларнинг доимий ўсиши ва Компаниянинг рентабеллиги		Микро ва кичик тадбиркорлар учун Компания молиявий хизматларининг камлиги
	Бизнесни қўллаб-қувватловчи хорижий ташкилотлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик		Суверен даражадаги халқаро кредит рейтинги мавжуд эмаслиги
	Бизнесни қўллаб-қувватлаш воситаларини юқори даражада қамраб олишга имкон берадиган ёрдамларни мустақил жорий қилиши		Ҳамкор ташкилотларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши натижасида Компаниянинг активлари бўйича хатарларининг кўпайиши
	Кафиллик ёрдами бўйича етарли даражада активлари мавжудлиги		Тўйинмаган бозорда кам маблағ билан иштирок этиши
	Яшил иқтисодиёт лойиҳаларга кенг ёрдам кўрсатиш (жорий этилган ва янги ёрдам турлари билан бирга) имконияти мавжудлиги		Тадбиркор ахборот тизимида яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси киритилмаганлиги
O	Имкониятлар	T	Хатарлар
	Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар даромадлари даражасининг ошиши		Миллий валютанинг заифлашиши
	Компания хизматларига эҳтиёжнинг ошиши (янги корхоналарнинг рўйхатдан ўтиши ва истеъмол кредитларининг ошиши)		Давлат томонидан молиялаштиришни қисқариши
	Республикада электрон тижоратнинг ривожланиши, шунингдек, Компанияда электрон тижоратни ривожлантиришга мўлжалланган алоҳида эътибор қаратилиши		Бизнес соҳасида тадбиркорлар малакасининг пастлиги

Компания фаолиятига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва молиялаштириш манбаларини мунтазам равишда диверсификация қилиш	Инфляция жараёнларнинг кучайиши (хизматлар нархининг ошиши ва бошқалар)
Ички бозорнинг тўйинмаганлиги	Носоғлом рақобат туфайли миқдорларнинг йўқотилиши
	Яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда Компания ва иқтисодиётга таъсирини белгилаш ва уларнинг рисклар мавжудлиги

6-жадвал. Компания фаолияти таҳлили

IV. Бизнес модел (ривожланишнинг асосий йўналишлари)

4.1. Кафиллик молиявий ёрдами

Кафиллик — қарз олувчининг тижорат банки олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб бериш масъулиятини Компанияга юклайдиган кафиллик шартномаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармонида асосан кафиллик ёрдамини тақдим этиш кенгайтирилди.

Кафиллик ёрдами амалда фақатгина кичик тадбиркорлик субъектларининг миллий валютада олган кредитлари учун 2,5 млрд сўмгача (кредитнинг 50 фоизи) миқдорида тақдим этилган.

Мазкур Фармон билан ўрта бизнес ва ўзини-ўзи банд қилганлар учун ҳам тақдим этилиши жорий қилинди ва кичик бизнес учун кафиллик миқдори сақлаб қолинган ҳолда (2,5 млрд сўм) хизмат турлари кенгайтирилмоқда:

Киритилаётган янги хизмат турлари:

ўрта бизнесга 5 млрд сўмгача кафиллик тақдим этилади;

микрокредит ва лизинг ташкилотлари томонидан ажратиладиган кредитларга ҳам кафиллик берилиши йўлга қўйилмоқда;

банкларнинг кредитларидан ташқари банк кафолати, аккредитив ва лизингларга ҳам кафиллик тақдим этилади;

хорижий валютада ажратиладиган кредитларга ҳам кафиллик тақдим этилади;

тадбиркор Компания кафиллигидан фойдаланаётган бўлсада, агарда унинг кредит тарихи яхши ва ундан юқори бўлса кафилликдан такроран фойдаланишга рухсат этилмоқда (аввал кафиллик олган тадбиркор кредитни сўндирмагунча бошқа фойдалана олмаган).

кафиллик тақдим этиш бўйича тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида банклар томонидан мустақил равишда Жамғарма жавобгарлиги

остида портфель кафиллиги тақдим этилади (ҳозирги сарфланаётган вақтга нисбатан 5 кун кам вақт сарфланади).

тадбиркорларга портфель кафиллиги бир қатор имкониятларни тақдим этади:

етарли гаров бўлмаган тақдирда ҳам кредитлардан фойдаланиш;

банк кафолати билан кредит олиш тезлигини ошириш;

гаровни баҳолаш ва рўйхатдан ўтказишга сарфланадиган вақтни қисқартириш;

кафолатларни рўйхатдан ўтказиш тезлигини ошириш; кафолатлар сонининг кўпайиши;

кафолатлар бериш учун умумий маъмурий харажатларни камайтириш;

бошқа маҳсулотлар ва дастурларни амалга ошириш учун ходимларни жалб қилиш.

Компания молиявий ёрдамларини кўрсатиш учун «Тадбиркор» ахборот тизими ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган.

Республика бўйлаб, 2024-2026 йиллар давомида 4 мингга яқин лойиҳалар учун 2 трлн сўм, 2024 йилнинг ўзида 600 млрд сўм кафиллик ёрдами кўрсатилиши режалаштирилди.

Кафиллик тақдим этилиши эвазига Компания олинадиган мажбуриятининг 3 фоизгача бир марталик ёки йиллик 0,8 фоиз миқдорида комиссия даромад олади.

Компания ижро органи томонидан устувор йўналишларга, хусусан, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва яшил иқтисодиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда кафиллик учун воситачилик ҳақини камайтириши мумкин.

4.2. Хизматлар ипотекаси

Хизматлар ипотекаси — бир тараф (Компания) иккинчи тараф (лойиҳа ташаббускори)нинг топшириғига биноан учинчи тараф (сотувчи)дан хизматлар ипотекасини тақдим этиш шартномасида шартлашилган мол-мулк (битим объекти)ни мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига фойдаланиш ҳуқуқи билан лойиҳа ташаббускорига беришни назарда тутадиган муносабатларининг алоҳида тури ҳисобланади.

Компания томонидан тадбиркор истагидан келиб чиқиб, 10 млрд сўм (объектнинг 70 фоизи)дан ортиқ бўлмаган миқдорда кўчмас мулк ва асбоб-ускуналар сотиб олинади ва 7 йилгача муддатга қарздорлик қолдиғига 18 фоиз ҳисоблаш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан ташаббускорга

берилади ва қарздорлик сўндирилгандан сўнг тадбиркор номига расмийлаштириб берилади.

Лойиҳа ташаббускори очиқ танлов ўтказиш йўли билан аниқланади.

Танловда 24 ойдан ортиқ фаолият юритаётган ҳамда сўнгги 1 йил давомида камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъектлари иштирок этади.

Ушбу янги ёрдам тури бўйича ўрта тадбиркорлик субъектларига 2024-2026 йиллар давомида 200 га яқин лойиҳалар учун 1,2 трлн сўм, 2024 йилнинг ўзида 468 млрд сўм ёрдам кўрсатилиши режалаштирилди.

Ёрдам тақдим этилишида амалга оширилган операцион ишларни қоплаш учун берилган ёрдамга нисбатан 0,6 фоизгача миқдорида комиссиян даромад олади.

Компания молиявий ёрдамларини кўрсатиш учун «Тадбиркор» ахборот тизими ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилади.

Хизматлар ипотекасини тақдим этилишида очиқ танловда янги иш ўринларини яратиш сони ва ишчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари нисбатан юқорилиги ҳамда яшил ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш (экологияга таъсири кам асбоб ускуналар ва яшил бинолар) назарда тутилган лойиҳаларга устунлик берилади.

4.3. Ресурс тақдим этиш

Ресурс тақдим этиш — кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Компания томонидан тижорат банклари, лизинг ва микромолия ташкилотларига тақдим этиладиган қарз маблағлари ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва етиштириш, хизмат кўрсатиш, яшил ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига миллий ва хорижий валютада кредит ресурслари жойлаштирилади.

Бунинг эвазига банклар, микромолиялаш ва лизинг ташкилотлари ресурс базалари кенгайтирилиши орқали ўзини-ўзи банд қилган шахслар, микро бизнес ва кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига инклюзив ставкада (режа бўйича ўртача 18-20 фоизгача) кредитлар ажратилади ва бу орқали ўзини-ўзи банд қилган шахсдан – микро бизнесга, микро бизнесдан – кичик тадбиркорлик субъектига ва кичик тадбиркорликдан-ўрта тадбиркорлик субъектига ўтишга кўмаклашилади.

4.4. Устав капиталига улуш киритиш

Устав капиталга улуш киритиш — томонларнинг устав капиталга улуш киритиш шартномасига кўра кўчмас мулк объектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа кўринишдаги активлар (битим объекти)ни сотиб олишни ва уни лойиҳа ташаббускорига тақдим этиш орқали унинг устав капиталига улушдор бўлиб киришни назарда тутадиган ёрдам тури.

2 йилдан ортиқ фаолият юритган ва сўнгги 1 йил давомида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган ўрта тадбиркорлик субъекти устав капиталига 3 млрд сўмгача объект ёки маблағ билан 7 йилгача шерик сифатида улуш киритилади.

Улуш киритиладиган тадбиркор очиқ танлов ўтказиш йўли билан аниқланади.

Компания киритилган улушдан йилига ўртача 8 млрд сўм дивидент сифатида даромад олади ҳамда киритилган улуш 7 йил ичида лойиҳа ташаббускорига ёки бошқа салоҳиятли инвесторларга реализация қилинади.

Ўрта тадбиркорлик субъектларига 2024-2026 йиллар давомида 150 дан ортиқ лойиҳалар учун 400 млрд сўм, 2024 йилнинг ўзида 168 млрд сўм ёрдам кўрсатилиши режалаштирилди.

Ёрдам тақдим этилишида амалга оширилган операцион ишларни қоплаш ва рискларни жиловлаш учун берилган ёрдамга нисбатан 2 фоизгача миқдорида комисион даромад олади.

Компания молиявий ёрдамларини кўрсатиш учун «Тадбиркор» ахборот тизими ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилади.

Ушбу ёрдамни тақдим этилишида очиқ танловда янги иш ўринларини яратиш сони ва ишчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари нисбатан юқорилиги ҳамда яшил ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш (экологияга таъсири кам асбоб ускуналар ва яшил бинолар) назарда тутилган лойиҳаларга устунлик берилади.

4.5. Компенсация

Компенсация — тижорат банклари кредит (лизинг)лари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини Иқтисодиёт ва молия вазирлигида очилган Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда –Жамғарма) ҳисобидан қоплаш ҳисобланади.

Компания молиявий ёрдамларини кўрсатиш учун «Тадбиркор» ахборот тизими ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган.

Компенсация 2024-2026 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларига 5 млрд сўмдан ошмаган ва Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваригача ажратиладиган кредитларнинг Марказий банк асосий

ставканинг 4 фоиз пунктдан юқори қисми ҳудудларнинг тоифасидан келиб чиқиб “1+2” тамоили асосида асосий ставканинг мос равишда 30 ёки 40 фоизи қоплаб берилади.

Бунда, компенсация аввал кредитнинг дастлабки йилига, тадбиркор иш ўринларини яратиш режасини бажарганда ва айланмаси 15 фоизга ошганда, кейинги икки йил давомида давом эттирилади.

“Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси” маблағларини бошқариш ҳуқуқи Компанияга берилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларига 2024-2026 йиллар давомида 1,6 мингдан ортиқ лойиҳалар учун 450 млрд сўм, 2024 йилнинг ўзида 150 млрд сўм ёрдам кўрсатилиши режалаштирилди.

Бунинг эвазига Компания олинадиган компенсация мажбуриятининг 2 фоизи миқдорида бир маротабалик коммиссион даромад олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармонида асосан компенсация тақдим этилиши 2 та асосий гуруҳга ажратилди. Бу гуруҳлар:

фаолият даври уч йилгача бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари учун 3 млрд сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш;

ташқил этилган давридан қатъи назар кичик тадбиркорлик субъектлари 5 млрд сўмгача ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш.

Кичик тадбиркорлик субъектларига ташқил этилган давридан қатъи назар компенсация тақдим этиладиган йўналишлар Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Бу билан бугунги кунда, яшил лойиҳаларни кенг қўллаб-қувватлаш имконияти яратилди.

V. СТРАТЕГИК УСТУВОР МАҚСАДЛАР

Керакли молиялаштириш базасини таъминлаш учун Компания ички ва халқаро бозорларда турли хил қарз олиш воситаларидан фойдаланади - халқаро молия институтларининг кредитларини жалб қилиш, облигациялар чиқариш орқали маблағ жалб этилади.

Компания амалдаги шериклар – Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ишлашни давом еттиради, шунингдек, халқаро молия институтлари ва инвестиция фондлари вакили бўлган янги потенциал инвесторлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

2024-2025 йилларда хизмат кўрсатиш, «яшил» ва энергия самарадор лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига молиявий ресурсларни ажратиш мақсадида Компанияга халқаро молия институтларидан 100 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилади.

Бунда, "яшил лойиҳалар"ни қўллаб қувватлаш чоралари кенгайтирилади.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида Компания томонидан Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 50 млн АҚШ доллари миқдорида микромолия ташкилотлари орқали микро ва кичик бизнесни молиялаштириш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилди.

2024 йилда жалб этиладиган маблағлар 4 330,2 млрд сўмни ташкил этади. Хусусан:

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан кафиллик левераджи учун ўтказилган маблағлар 965,2 млрд сўм;

Давлат бюджети маблағларидан устав капитални тўлдириш учун 300 млрд сўм;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан улуш киритиш ва хизматлар ипотекаси ёрдамларига бюджет ссудаси учун 1 200 млрд сўм;

халқаро молия институтларидан кредит ресурси учун 1 200 млрд сўм (100 млн АҚШ доллар);

Осиё тараққиёт жамғармаси томонидан АПЕХ микромолиялаш тизимини жорий этиш учун 625 млрд сўм (50 млн АҚШ доллар) ажратилади.

Компаниянинг 2024-2026 йиллар учун белгиланган ривожланиш стратегияси молия хизматлари бозорида ўз салоҳияти ва рақобатдаги афзалликларидан фойдаланган ҳолда юқори марраларни эгаллаш учун режаларни акс эттирган.

Келгусидаги ислохотлар йўналишларини таъминлаш учун 2026 йил якунига қадар қуйидаги стратегик мақсадларни белгилаб олди:

а) Компаниянинг электрон тижорат соҳасини йўлга қўйиш.

масофавий хизматларни жорий этиш ва «Тадбиркор» ахборот тизимини модернизация қилиш орқали бизнес-жараёнларни автоматлаштириш;

тадбиркорларга масофавий Компания хизмат турларидан фойдаланишни рағбатлантириш, замонавий мулоқотсиз тўлов усулларини жорий этиш;

Компания фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш, хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш.

б) Тадбиркорларга кўрсатиладиган Компания хизматларини сифат жиҳатдан мутлоқ янги поғонага чиқариш, улар билан ўзаро ишонч ва ошкораликка асосланган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

Компаниянинг хизмат кўрсатиш тармоғини ҳудудий вакилларнинг салоҳиятини инобатга олган ҳолда, тадбиркорлар сонини кенгайтириш ҳамда доимий мувофиқлаштириб бориш;

Компаниянинг жозибадорлигини ва реклама фаоллигини ҳамда самарадорлигини ошириш;

мижозларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатишни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш чораларини кўриш;

ходимларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш, уларга берилган баҳолаш натижаларига кўра рағбатлантириш ва жарима (жазо) чораларидан иборат тизимни йўлга қўйиш;

Компания хизматларини мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларидан ҳамда уларнинг иқтисодий ва ҳудудий жойлашув имкониятларидан келиб чиқиб мунтазам мувофиқлаштириб бориш тизимини жорий этиш.

в) Компаниянинг инвестицион фаоллиги ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш, компания активларининг барқарор ўсиб бориши билан бирга уларнинг сифатини доимий равишда юқори даражада бўлишини таъминлаш.

Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун Компания қуйидагиларни режалаштирмоқда:

кафиллик портфели сифатини сақлаган ва яхшилаган ҳолда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини мақсадли ошириб бориш;

таваккалчиликни бошқаришни чуқур таҳлил этиш механизминини жорий этиш, кафиллик портфелини диверсификациялаш, 9-сон МХҲС асосида

молиявий активларни таснифлаш ва баҳолаш бўйича янги талабларни жорий қилиш орқали Компаниянинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш сифатини ошириш, муаммоли қарздорликларни юзага келишини олдини олувчи чораларни ҳисобга олувчи активлар сифатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш;

жаҳоннинг илғор компаниялар ва фондлари тажрибасини ўрганиб, тадбиркорларнинг молиявий ҳолатини замонавий скоринг-таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш, бунда уларнинг келажақдаги пул оқимлари ва молиявий истиқболини алоҳида эътиборга олиш ҳамда кредитлар фоиз ставкасини лойиҳанинг таваккалчилик даражаси ва унинг муддатидан келиб чиқиб белгилаш амалиётини жорий этиш;

тадбиркорлар (молиялаштириш масалалари) билан бевосита шуғулланувчи раҳбарлар ва ходимларни улар амалга оширган актив операцияларнинг даромадлилиги, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини ҳисобга олиб рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

г) Компания таваккалчиликларини бошқариш тизимини такомиллаштириш узлуксиз равишда амалга оширилади ва қўйидаги йўналишларни қамраб олади:

Компания таваккалчиликларни бошқариш тизимини халқаро молия институтларининг техник кўмаги ҳамда хорижий экспертларни жалб қилиш орқали Компания таваккалчиликларини бошқаришнинг жаҳон стандартларига мувофиқ ҳолда такомиллаштириш;

Компания таваккалчиликларини бошқариш жараёнида инсон омилини босқичмабосқич камайтириб бориш;

Компания таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркибий бўлинма ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб боришларини таъминлаш;

ҳар бир фаолият тури бўйича унинг таваккалчилик даражасидан келиб чиққан ҳолда лимитлаш тизимини жорий этиш ҳамда кўрсаткичлар белгиланган лимитлар чегарасига яқинлашганда Компаниянинг тегишли таркибий бўлинмалари, ушбу таркибий бўлинмалар ишини мувофиқлаштириб турувчи директор ўринбосарлари, Кенгаш аъзоларини, таваккалчилик табиати ва кўламидан келиб чиққан ҳолда заруриятга кўра Компания Стратегия ва инвестициялар қўмитасини олдиндан огоҳлантириш тизимини йўлга қўйиш ва мазкур жараёнларни тўла автоматлаштириш.

Шунингдек, Компания ёрдамларини тақдим этилишида фавқулотда ҳолатлар, хусусан, табиий офат, сув тошқини, қурғоқчилик ва зилзила хавфларини аниқлаш бўйича иш олиб борилади.

д). Компания ходимларни самарали бошқариш асосларини такомиллаштириш.

Бу борада ходимларни бошқариш соҳасидаги қўйидаги вазифалар илгари сурилган:

Компаниянинг инсон ресурсларини бошқариш сиёсатини хориж амалиётининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланган ҳолда шакллантириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш;

таркибий бўлинмалар ҳамда раҳбарият ва ходимлар ўртасида коммуникациянинг самарали тизимини ривожлантириш;

ходимлар малакасини ошириш учун ўқув дастурларни такомиллаштириш, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб хорижий ташкилотлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш ҳамда ходимларнинг юқори ички динамикасини шакллантириш;

ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг мотивацияси учун зарур бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини такомиллаштириш;

ходимларни Компаниянинг ривожланишига қўшган ҳиссаларига (самарадорлигига) мувофиқ рағбатлантириш (КПИ) тизимини такомиллаштириш;

ёш мутахассисларнинг адаптация жараёнига қўмаклашиш, захира билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида «Устоз-шогирд» тизимини жорий этиш;

янги ёрдам турларини жорий этиш, хусусан, аёллар, ёшлар олис ҳудудлардаги тадбиркорликни ҳамда яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасида сменар трейнинглар ташкил этиш.

е). Компания капиталлашув даражасини устав капиталини ошириш ҳамда йиллик соф фойда ҳисобидан кўпайтириб боришни таъминлаш. Капитал етарлилигини халқаро (Базель қўмитасининг) стандартлари асосида босқичма-босқич ошириб бориш.

Ушбу стратегик мақсадга эришилишини таъминлаш учун Компания қўйидагиларни амалга оширишни режалаштирмоқда:

хусусий капитални ошириш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш, акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва Компаниянинг соф фойдасини хусусий капиталга йўналтириб бориш;

активларнинг белгиланган ўсиш суръатини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилиги коэффицентини меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлишини таъминлаш;

капиталлаштириш даражасини ошириб бориш билан бирга капиталнинг рентабеллигини юқори даражада бўлишини таъминлаш.

ё). Компания ликвидлилигини таъминлаш мақсадида активлар ва мажбуриятлар таркибини янада оптималлаштириш, Компаниянинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш.

Ушбу стратегик мақсадга эришилишини таъминлаш учун Компания қўйидагиларни амалга оширишни режалаштирмоқда:

доимий равишда турли ташкилотлар билан мулоқотлар олиб бориш орқали бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жойлаб бориш;

халқаро молия институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали уларнинг маблағларини жалб қилиб бориш;

Компания активлари ва мажбуриятлари структурасини муддатлари бўйича мақбуллаштириш, уларни муддати ва манбалари жиҳатидан диверсификация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон қарорига асосан 2026 йил якунида 300 млн АҚШ доллари миқдорида облигация (евробонд)ларни халқаро капитал бозорларида муомалага чиқариш.

ж). Корпоратив бошқарув тизимини халқаро бошқарув усуллари ва тамойиллари бўйича, шунингдек Корпоратив бошқарувнинг миллий кодексига асосланиб такомиллаштириш.

Ушбу стратегик мақсадга эришилишини таъминлаш учун Компания қўйидагиларни амалга оширишни режалаштирмоқда:

ўрта ва узоқ муддатли стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ушбу стратегияни ҳар йили бажарилишини таъминлаш;

молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги, тўғрилиги, Компания фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш учун ички назорат процедурасини такомиллаштириш;

манфаатлар қарама-қаршилигини аниқлаш ва бартараф этиш тартибини белгилаш ҳамда Компаниянинг барча ходимлари (эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар) унга амал қилишини таъминлаш;

ўз вақтида мунтазам эълон қилиниши керак бўлган маълумот ва ҳужжатлар рўйхатини аниқлаштириш;

Компанияда халқаро сифат менежменти тизими бўйича ISO стандартига эришиш ва унинг талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш.

з). Ички аудит хизматини такомиллаштириш ва хавфсизликни таъминлаш, жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш.

Ушбу стратегик мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

ички аудит хизматини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва ички аудит қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

ички аудит хизматида шубҳали ва гумонли операцияларни аниқлаш амалиётларини такомиллаштириш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини, мижозлар тўғрисида маълумотлар конфиденциаллигини таъминлаш учун энг илғор технологиялар ва дастурий таъминотлардан фойдаланишни жорий этиш ва кенгайтириш.

и). Яшил лойиҳаларни кенг қўллаб-қувватлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг ПФ-193-сон Фармони асосида Компания яшил иқтисодиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ваколатлари янада кенгайтирилди.

Компаниянинг кичик ва ўрта тадбиркорларни ва давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган молиявий ёрдам кўрсатиш функциясида яшил иқтисодиёт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши ўзига хос жиҳат ҳисобланади.

Компания томонидан яшил лойиҳалар учун халқаро молия институтларидан 100 млн доллар жалб этилади. Маблағлар микро, кичик ва ўрта хусусий бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилади.

Компания "яшил" лойиҳаларни молиялаштириш учун алоҳида ёрдам турларини жорий этишни режалаштирмоқда, бу эса тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, маҳаллий корхоналар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташаббуслари ва яшил технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни аста-секин экологик тоза йўналишга ўтказмоқда.

Компания томонидан қуйидаги йўналишлар қўллаб-қувватланиб келинган:

сувни тежаш;

чиқиндилар ва чиқинди сувлардан самарали фойдаланиш;

ресурсларни тежаш ва тиклаш;

барқарор туризм;

мавжуд ва қурилаётган саноат объектларида энергия самарадорлигини ошириш.

Ёрдам тури	Олувчилар	Лойиҳа сони	Ажратилган ёрдам
Кафиллик ёрдами	Кичик тадбиркорлик	2 302	479
Компенсация ёрдами	субъектлари	1 067	814

7-жадвал. Компания томонидан қўллаб-қувватланган яшил лойиҳалар (млрд сўм)

Ҳозирда Компания томонидан компенсация ёрдами устувор равишда яшил лойиҳаларга тақдим этилмоқда.

Т/р	Йўналишлар	Лойиҳалар ичидаги лойиҳалар
А	1	2
1	Чикиндиларни қайта ишлаш ва атроф муҳитни ифлосланишининг олдини олиш	қаттиқ маиший чикиндиларни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳалар; чикиндиларни йўқ қилиш ва сақлаш билан боғлиқ лойиҳалар
1	Қайта тикланадиган ва экологик тоза энергия манбаларини ишлаб чиқариш	куёш энергияси лойиҳалари; шамол энергияси лойиҳалари; биомассадан электр энергияси ишлаб чиқариш лойиҳалари; интеллектуал электр тармоқлари бўйича лойиҳалар; бошқа лойиҳалар
2	Жойларда сув таъминотини яхшилаш	ичимлик суви хавфсизлиги бўйича муҳандислик лойиҳалари; сувни тежаш бўйича лойиҳалар;
3	Қурилиш ишларида энергияни тежаш ёки яшил бино куриш	мавжуд биноларда олиб борилаётган қурилиш ишларини “яшил” трансформация қилиш лойиҳалари; яшил экологик қурилиш ишларини олиб бориш, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш лойиҳалари
4	Экологик тоза транспорт тизимини жорий этиш	жамоат экотранспорти лойиҳалари; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича махсус транспортлар.
5	Энергия ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳаларига хизмат кўрсатиш	қайта тикланувчи энергия технологияларига хизмат кўрсатиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизматлари; сув хўжалиги хизматлари
6	Яшил инвестицияларни қўллаб-қувватлаш	«яшил» инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари
7	Энергия тежаш ва экологик тоза ишларни амалга оширишни рақамлаштириш ва уларга ўқитиш	яшил инфратузулма билан таъминлаш лойиҳалари; хизматларни рақамлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар; яшил иқтисодиётга ўтишни ўқитиш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш лойиҳалари

8-жадвал. Компенсациянинг устувор равишда тақдим этиладиган йўналишлари¹⁵

Компания томонидан 2024-2026 йиллар давомида ёрдамларнинг камида 30 фоизини йўналтириш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги “Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш

¹⁵ Компания Кузатув кенгашининг 2024 йил 29 февралдаги 2/24-сон қарори билан тасдиқланган

тўғрисида” 561-сон қарорида белгиланган Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясининг тоифалар ва секторлар бўйича алоҳида ёрдам ёки хизмат турларини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Компания прогноз (ва ижро) қилинган яшил таъсирлар, натижалар ва тақдим этилган ёрдамлар тўғрисида кенг жамоатчиликка Компаниянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида батафсил маълумот берилади.

Компания яшил яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича етарли тажрибага эга. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳарда компенсация ва кафиллик молиявий ёрдамлар кўрсатган.

Ушбу тажриба ва "Яшил омилларни интеграциялаш" бўйича ҳаракатлар томонидан қўллаб-қувватланганда Компания ўзининг яшил портфелини осонгина кенгайтириши кутилмоқда. Шу асосда, Компания эришмоқчи бўлган дастлабки мақсадлар:

№	Кўрсаткичлар номи:	2024й.	2025й.	2026й.
	Яшил лойиҳаларнинг умумий мажбуриятлардаги улуши, маҳсулот гуруҳи:	10%	25%	35%
1	- Компенсация	30%	30%	35%
2	- Кафиллик	7%	10%	25%
3	- Ресурс	20%	40%	60%
4	- Хизматлар ипотекаси	4%	11%	15%
5	- Капиталга улуш киритиш	3%	10%	15%
6	Янги яшил молия маҳсулотлари ишга туширилади	-	2 та маҳсулот	1 та маҳсулот

9-жадвал. Яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича прогноз¹⁶

Жорий йилда натижаларга эришиш мақсадида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш дастурига риоя қилинади. Бунда, янги яшил молиявий маҳсулот 2024-2026 йилда жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, тадбиркорларга яшил лойиҳаларни ишга тушириш учун тўғридан-тўғри қарз бериш ёрдамини тақдим этиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, кафиллик ёрдами бўйича ҳам яшил лойиҳаларни ривожлантиришга қаратилган хизмат тури ишга туширилади.

¹⁶ Манба: Компания маълумотлари

Лойиҳаларнинг кутилаётган яшил таъсирини (фойдаларини) баҳолаш мақсадида 2024 йилда амалга ошириладиган ташкилий ёрдам режасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда, бунда:

ходимларнинг яшил инвестицияларни текшириш бўйича билимларини оширишга қаратилган тренинглар;

халқаро илғор тажриба ёки мувофиқ лойиҳаларнинг Миллий яшил таксономиясига асосланган ички "яшил лойиҳалар таърифини" ишлаб чиқиш;

мақсади юқори потенциалли корхоналар ва тармоқларни аниқлаш учун бизнес план стратегияси;

“яшил” инвестициялар учун зарур бўлган янги ҳужжатлар талаблари, тегишли текширув тартиблари ва маълумотлар мониторинг тизимларини расмийлаштириш;

“яшил” иқтисодиёт масалаларини мувофиқлаштириш вазифаси Компания директорининг трансформация ва молиявий масалалари бўйича биринчи ўринбосарига юклантиш ва унинг раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузиш.

Компания ушбу стратегиядан келиб чиқиб натижага эришиш юзасидан 3 йиллик ҳаракатлар режасини аниқ қадамлар қўйишдан бошлайди.

Компаниянинг яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасида жамоатчилик фаолларини жалб қилган ҳолда қўйидаги масалаларга эътибор қаратади:

яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ишлари ва ёрдам турлари тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорларга етказиш;

яшил лойиҳаларга берилган ёрдамларнинг натижаларини муҳокама қилиб бориш;

ахборот тизимини таксономияга мослаштириш ишларини кўриб чиқиш;
лойиҳа ташаббускорлари билан бевосита ишлаш.

Компания ўзининг сайти ва ижтимоий тармоқларида яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш доирасида эришилган натижалар ва экологияга таъсири тўғрисидаги маълумотларни даврий маълумотларни жойлаштириб боради.

й) Янги ёрдам ва хизмат турларини жорий этиш йўналишлари

Яшил лойиҳалар. Компания Ўзбекистонда яшил саноатлаштиришни ривожлантириш лойиҳаси доирасида «Яшил стартап лойиҳаларини ғояларини қўллаб-қувватлаш дастури» доирасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

Бунда асосий эътибор:

қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган;

қуёш панелларидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясини тақсимлаш ва бошқаришга асосланган;

саноат чиқинди сувларидан зарар кўрган сув ҳавзаларини инновацион ўсимликлар билан тозалашга қаратилган;

куёш панелларини ҳаракатлантириш орқали уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган;

саноат корхоналаридаги чиқинди сувларни тозалаш, қайта ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини берадиган;

ҳаводаги зарарли заррачалар миқдорини, зарарли газлари ҳажмини ва таркибини камайтирадиган ҳамда ҳаво намлигини яхшилаш имконини берадиган лойиҳаларга қаратилиши кўзда тутилиши лозим.

«Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини ошириб боради.

Хотин-қизлар. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш.

Мамлакат иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатишга қаратилган лойиҳалар тайёрлаш.

Ёшлар. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишга қўшимча имкониятлар яратилиши белгиланди.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилиши белгиланди.

Компания стратегияси ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини тадбиркорликга жалб қилишга оид лойиҳаларни амалга оширишда «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари»да ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда.

Ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва ғоялари қўллаб қувватловчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши назарда тутилмоқда. Бунда, ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва ғояларига алоҳида эътибор қаратилиши назарда тутилмоқда.

Олис ҳудудлардаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш. Олис ва чекка туманларда жойлашган тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини алоҳида қўллаб-қувватловчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш назарда тутилмоқда.

Чекка ҳудудларда, иқтисослашуvidан келиб чиқиб тадбиркорларга (касаначилиқ, тикув цехлари ва бошқа турдаги) ишлаб чиқаришларни йўлга қўядиган, аҳолига фойда келтирадиган, яъни маҳалладаги ишсиз фуқароларнинг иш ўрни билан таъминлайдиган лойиҳаларни йўлга қўядиган маҳсулот ишлаб чиқиш кўзда тутиш лозим.

к). Қўрсатилаётган молиявий ёрдамларни рақамлаштириш ва диверсификациялаш

Компания ёрдамларини тақдим этиш тўлақонли рақамлаштириб боришни таъминлаш;

Тадбиркор ахборот тизимини модернизация қилиш;

Компаниянинг мобиль иловасини ишга тушириш;

тадбиркорларга Компания ёрдамларини тезкорликда етказиб бориш таъминлаш;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш юзасидан фаолиятни автоматлаштириб бориш.

л) Халқаро ҳамкорлик ишлари:

Компания хизмат кўрсатиш, «яшил» ва энергия самарадор лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари, микромолия ва лизинг ташкилотларига молиявий ресурсларни ажратиш;

халқаро молия институтлари, тижорат банклари ва бошқа хусусий инвесторларни Компаниянинг устав капиталида иштирок этишга жалб қилиш;

Компанияга халқаро молия институтлари ва ташкилотларидан қарз маблағларини жалб этиш;

жалб этилган маблағлар рентабеллгини ошириб бориш;

хорижий тажрибаларни яқиндан ўрганиш мақсадида хорижий давлатларга хизмат сафарларни амалга ошириш.

м) Ҳисоб сиёсати ва активларни бошқариш:

Компания ўз молиявий ҳисоботларини молиявий активларни таснифлаш ва ўлчашга қўйиладиган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)га мувофиқ юритиш;

халқаро ва маҳаллий инвесторлар бўйича молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоботларни расмийлаштириш;

даврий ҳисоботларни нашрлар орқали чиқариб боришни йўлга қўйиш;

Компания ўз маблағлари миқдорини ошириб боришга қаратилган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш;

дебитор-кредитор қарзлар, жалб этиладиган қарз миқдорлари энг юқори миқдорларини белгилаш ва назоратини олиб бориш;

молиявий ҳисоботларни шаклланишини автоматлаштириш;

активларни самарали бошқариш юзасидан тегишли тартибларни ишлаб чиқиш;

активлар рентабеллигини ошириб бориш;

бир йилда (доимий) Компания маблағларига нисбатан тақдим этиладиган ёрдамларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш услубиётини жорий қилиш;

компенсация ёрдамларини кўрсатиш ишлари Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимида олиб бориш;

н) Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш:

Жаҳон банкининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича берилган тавсияларига асосан Компания фаолияти такомиллаштириш;

манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш, Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиши, Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомлар ҳамда «Кузатув кенгаши ва қўмиталари, Кенгаш раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш» қоидаларини ишлаб чиқиш;

Компаниянинг «Корпоратив бошқарув кодекси»ни ишлаб чиқиш;

ҳар чорак якуни билан қўмиталар ва Кузатув кенгашга ҳисоботлар тақдим этилишини йўлга қўйиш;

корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички норматив базасини такомиллаштириш юзасидан янги ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

о) Лойиҳаларнинг мақсадли параметрларига эришишни таҳлил қилиш ва мониторингни такомиллаштириш:

ёрдамлар тақдим этилган лойиҳалар натижадорлигини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш;

натижадорлики таҳлили интеграцион ахборотлар асосида Тадбиркор ахборот тизимида алоҳида модуль ишлаб чиқиш;

натижадорлики таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш;

мониторинг таҳлил бўйича Тадбиркор ахборот тизимида алоҳида модуль ишлаб чиқиш;

муаммоли активлар миқдорини белгиланган меъёрлардан ортиб кетмаслигини таъминлаш;

масофавий мониторингни турли ахборот база орқали амалга оширишни кенгайтириш.

п) Ички аудитнинг самарадорилигини ошириш:

ички аудит хизмати томонидан Компания ва ҳудудларда ўтказиладиган ички аудит текширув ҳисоботлари бўйича Аудит қўмитасига ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этиш;

аудит текширувида аниқланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан назорат текширувларини ўтказиш тартибини жорий этиш;

Аудит қўмитасига иш режа ва самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида самарадорлик кўрсаткичларини тақдим этиш;

ташқи аудитдан ўтказиш талаблари бўйича тартиб ишлаб чиқиш.

р) Рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш

Компанияда рискларни аниқлаш, уларни энг паст ва юқори меъёрларини белгилаш ва уларни бошқариш ҳамда даражасини пасайтириш юзасидан ички тартибларни ишлаб чиқиш;

экологик, фавқулотда ҳолатдаги (техноген) ва ижтимоий рискларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш;

ҳар чорак якуни билан қўмиталар ва Кузатув кенгашга ҳисоботлар тақдим этилишини йўлга қўйиш;

рискларни самарали бошқариш тизимини жорий қилиш мақсадида халқаро консультантларни жалб этиш;

рискларни олдини олиш мақсадида рақамли ва масофавий назорат ишларини такомиллаштириш;

рискларни бошқариш соҳаси бўйича тренинглар ташкил этиш ёки ташкил этилаётган тренингларда иштирок этиш.

с) Комплаенс назорат ва ички хавфсизлик тизимини жорий этиш:

Компанияда «Комплаенс назорат» тизимини жорий қилиш ва ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

Компания тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чоралари тўғрисидаги сиёсати, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низомлар ишлаб чиқиш ва «Коррупцияга қарши курашиш ва этика» қўмитасига киритиш.

коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка мунтазам хабардор қилиш учун

расмий веб-сайтида махсус саҳифа, электрон почта, ишонч телефони ва телеграм бот каналларини очиш;

Компаниянинг коррупцияга қарши бошқарув тизимини ИСО 37001:2016 халқаро стандарт талабларига мувофиқлаштириш;

соҳага оид рискларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва аниқланган рискларни камайитириш механизмларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.

т) Кадрлар сиёсати:

Компания ходимларини корпоратив жараёнлар, хорижий тиллар ва бошқа зарурий соҳаларга ўқитиш ишларини ташкил этиб бориш;

Компания ходимлари фаолиятини ва билимини баҳолаб бориш тизимини жорий этиш;

Компаниянинг бўш иш ўринларига малакали мутахассислар билан тўлдириш;

меҳнат унумдорлиги, ходимлар қўнимсизлик кўрсаткичлари бўйича кўзланган мақсадларга эришишни таъминлаш;

кадрлар сиёсати ва ички меҳнат ва тартиб қоидаларини ишлаб чиқиш.

у) Маркетинг ва реклама стратегияси:

молиявий ёрдамлар тўғрисидаги маълумотларни ўзини ўзи банд қилган шахслар, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига доимий равишда етказиб бориш;

қўллаб-қувватлаш борасидаги янгиликларни қисқа муддатларда етказиб бориш;

ҳалқаро ҳамкорлик ишларини ташкил этиш;

ҳалқаро молия институтлари ва инвесторларидан маблағлар жалб этиш;

Компания мавқеини оширишни таъминлаш;

расмий сайт, ижтимоий саҳифаларда маълумотларни ёритиб боришни кенгайтириш;

Компания фаолияти тўғрисида маълумот берувчи ўзбек, рус, инглиз тилларида видеороликлар тайёрлаш;

Компания ҳақида батафсил маълумот беришни таъминлаш мақсадида «бренд боок» тайёрлаш;

ўзини ўзи банд қилган шахслар, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига «Тадбиркорларга маслаҳат», «Реклама хизмати» ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиб бориш.

VI. Молиявий кўрсаткичлар ва назорат индикаторлари

6.1. 2024-2026 йилларда тақдим этиладиган ёрдамлар

№	Кўрсаткичлар номи	2024 йилда кўрсатиладиган ёрдамлар миқдори				2025 йилда кўрсатиладиган ёрдамлар миқдори				2026 йилда кўрсатиладиган ёрдамлар миқдори			
		лойиҳа	ёрд	кредит	иш ўрни	лойиҳа	ёрд	кредит	иш ўрни	лойиҳа	ёрд	кредит	иш ўрни
	Жами:	2 599	1 638	3 019	11 591	2 901	1 917	3 321	13 235	2 945	1 972	3 351	13 370
1	кафиллик	1 162	600	1 500	5 317	1 278	660	1 650	5 849	1 290	666	1 665	5 902
2	кредит (лизинг) ресурси	785	300	435	2 500	864	330	479	2 750	871	333	483	2 775
3	улуш киритиш	40	120	0	393	44	132	0	432	44	133	0	436
4	хизматлар ипотекаси	56	468	0	1 176	62	515	0	1 294	62	519	0	1 305
5	компенсация	556	150	1 084	2 205	612	165	1 192	2 426	617	167	1 203	2 448
6	янги яратилдиган хизмат	—	—	—	—	42	115	0	485	60	154	0	504

10-жадвал. Тақдим этиладиган ёрдамлар миқдори (млрд сўм)¹⁷

¹⁷ Манба: Компания маълумотлари

6.2. Молиявий кўрсаткичлар

Даромад ва харажатлар	2024 йил режаси	2025 йил режаси	2026 йил режаси
Жами даромадлар	224 989	312 324	361 188
Фоизли даромадлар	204 683	292 600	341 200
ресурс жойлаштиришдан олинган даромадлар	19 121	72 000	132 000
хизматлар ипотекасидан олинган даромадлар	33 355	60 600	49 200
мақсадли маблағларни депозитга жойлаштиришдан даромадлар	152 207	160 000	160 000
Фоизсиз даромадлар	20 306	19 724	19 988
кафилликдан олинган воситачилик ҳақи	11 630	13 000	14 000
компенсация бўйича воситачилик ҳақи	3 000	3 000	3 000
улуш киритишдан олинган даромадлар	2 400	1 300	1 020
хизматлар ипотекасидан воситачилик ҳақи ҳисобига даромадлар	3 276	2 424	1 968
Жами харажатлар	133 888	196 694	209 217
фоизли харажатлар	21 600	79 200	86 400
фоизсиз харажатлар	41 856	42 103	42 103
иш ҳақи ва бошқа харажатлар	60 272	64 491	69 006
ижара ва таъминот харажатлари	4 000	4 400	4 840
хизмат сафари ва транспорт харажатлари	1 420	1 562	1 718
маъмурий харажатлар	1 254	1 380	1 518
эскириш харажатлари	303	312	321
суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	3 183	3 247	3 312
Фойда (фойда солиғи ва захиралардан ташқари)	91 101	115 630	151 971

11-жадвал. Компаниянинг 2024-2026 йиллар учун даромадлар ва харажатлар (млн сўм)¹⁸

¹⁸ Манба: Компания маълумотлари

6.3. Асосий индикаторлар

Т/р	Кўрсаткичлар	Мақсадли кўрсаткичлар ўлчов бирлиги	2024 йил мақсадли кўрсаткич	2025 йил мақсадли кўрсаткич	2026 йил мақсадли кўрсаткич
1	Молиявий ёрдам кўрсатишдан олинган даромад кўрсаткичи	млн сўм	72 782	152 324	201 188
2	Даромад прогноз курсаткичларининг бажарилиши	млн сўм	224 989	312 324	361 188
3	Фойда (солиқ тўлагунга кадар) прогноз курсаткичларининг бажарилиши	млн сўм	91 101	115 630	151 971
4	Акционерлик капиталининг рентабеллиги (ROE - Return On Equity)	коэффициент	0,14	0,14	0,14
5	Активларнинг рентабеллиги (ROA - Return On Assets)	коэффициент	0,05	>0,05	>0,05
6	Қоплаш коэффициенти (тўловга қобилияти)	коэффициент	1,5	2	2
7	Молиявий мустақиллик коэффициенти	коэффициент	1,5	2	2